

<i>Ташилот номи:</i>	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ
<i>Таркибий бўлинма номи:</i>	Ўқув-ёрдამчи ходимлар (тьютор, кабинет мудири)
<i>Танлов босқичи:</i>	Сухбат
<i>Савол йўналиши:</i>	Лавозим касб фаолиятига боғлиқ қонунчилик соҳаси (100 та савол)

1. Таълим тизими деганда нима назарда тутилади?
2. Олий таълим босқичлари ҳақида маълумот беринг.
3. Таълим олиш шакллари нима санаб беринг.
4. Давлат таълим стандарти қандай ҳужжат?
5. Академик мобиллик нима?
6. Қайси ҳолларда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш вазирлик қарори асосида амалга оширилади.
7. Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш бўйича ариза топшириш ва аризаларни кўриб чиқиш муддатларини тушунтиринг.
8. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий вазифаларини сананг.
9. Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун қандай назорат турлари ўтказилади?
10. Оралиқ назорат турини тушунтиринг.
11. Плагиат нима?
12. Якуний назорат ҳақида нималарни биласиз?
13. Якуний назорат саволлари қандай талабларга жавоб бериши керак?
14. Масофавий таълим нима?
15. Дуал таълим нима?
16. Инклюзив таълим деганда нимани тушунасиз.
17. Жамловчи электрон рейтинг қайдномаси нима?
18. Назорат турлари бўйича апелляцияларни кўриб чиқиш натижалари бўйича апелляция комиссия қанда қарор қабул қилади?
19. Талабанинг ўқув семестри мобайнидаги модуль бўйича баҳолаш тизимини тушунтиринг.
20. Кредит ва кредитларни кўчириш деганда нималарни тушунасиз?
21. Қандай ҳолатларда ёзги семестр ташкил қилиниши мумкин?
22. Қайси ҳолатларда талабалар Тошкент давлат юридик университетидан четлатилади?
23. ТДЮУда сабабсиз даср қолдирган талабаларга нисбатан қандай чора кўрилади?
24. Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини қайта тиклаш тартибини тушунтиринг.
25. Қайси ҳолларда талабалар давлат гранти асосида ўқишга қайта тикланиши мумкин?
26. Транскрипт нима?
27. Давлат таълим талаблари нима?
28. Ўқув режа нима?

29. Ижро интизомини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни санаб ўтинг?

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорининг асосий мақсадини ёритиб беринг?

31. Қандай ҳужжатлар назорат қилинадиган ва бажарилиши текшириладиган ҳужжатлар сирасига киради?

32. Ҳужжатларнинг бажарилиши бўйича ишларни ташкил этиш кимлар томонидан таъминланади?

33. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш тартиби нималарни ўз ичига олади?

34. Ҳужжат мазмунига қўйилган талаблар нималардан иборат?

35. Хатларда қандай баён этиш шаклларидан фойдаланилади?

36. Ҳужжатларнинг ижро этиш муддатларини тушунтириб беринг.

37. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг турлари ва шаклларига тўхталиб ўтинг.

38. Мурожаатларга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?

39. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” Қонунига мувофиқ ариза, таклиф ва шикоятга таъриф беринг.

40. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ҳақида сўз юритинг.

41. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ҳақида тўхталиб ўтинг.

42. Вояга етмаган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини гапириб беринг.

42. Мурожаатларни кўрмасдан қолдириш ва кўриб чиқишни тугатиш тартибини тушунтириб беринг.

43. Мурожаатнинг дубликати ва такрорий мурожаат тушунчаларини фарқлаб беринг.

44. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узайтириш, тегишлилигига кўра бошқа идораларга юборилиши ҳамда такрорий мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини изоҳланг.

45. Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини қабул қилиш шароити ва тартиблари, сайёр қабулларни ташкиллаштириш тартибларини тушунтириб беринг.

46. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашнинг босқчиларини санаб ўтинг.

47. Аноним мурожаат ва такрорий мурожаат фарқини айтинг.

48. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари нималардан иборат?

49. Қайси ҳолларда талабаларга академик таътил берилади?

50. Талабаларга академик таътил қанча муддатга берилади?

51. Талаба академик таътилдан қайтгунга қадар, у ўқиган таълим йўналиши тугатилган бўлса, талабанинг ўқишни давом эттириши масаласи қандай ҳал қилинади?

52. Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси асосий мазмунини тушунтиринг.

53. Юридик таълим ва фанни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини кўрсатинг.

54. Стипендия нима?

55. Давлат гранти асосида ўқийдиган талабаларга ўқув семестри натижаларига кўра стипендиялар қандай тайинланади?

56. Тўлов-контракт асосида таълим олувчи талабаларга стипендия тайинлаш ва тўлаш тартибини тушунтиринг.

57. Яқуний назорат ўтказишда аудитория раҳбари ва кузатувчиларнинг мажбуриятлари?

58. Оралиқ назорат бўйича апелляция шикояти бериш ва уни кўриб чиқиш тартибини тушунтиринг.

59. Яқуний назорат бўйича апелляция шикояти бериш ва уни кўриб чиқиш тартибини тушунтиринг.

60. Талабалар ўқишини хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган олий таълим ташкилотларидан Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош таълим йўналишларига кўчириш тартибини тушунтиринг.

61. Таълим турларини кўрсатинг.

62. Олий маълумотли кадрларни тайёрлаш қандай ташкилотларда амалга оширилади?

63. Кредит-модуль тизимида талабаларни рўйхатга олиш мақсади ва қўлқўяларини кўрсатинг.

64. Яқуний давлат аттестацияси турларини кўрсатинг.

65. Бакалаврият битирувчисига қандай ҳолларда “имтиёзли” диплом берилади?

66. Стипендия комиссияси таркиби қандай шакллантирилади?

67. Кредит-модуль тизимида биринчи курс талабаларини рўйхатга олиш жараёнини тушунтиринг.

68. Талабанинг шахсий таълим траекторияси нима?

69. Ахборот хавфсизлиги нима?

70. Локал тармоқ нима?

71. Таълим олувчиларнинг кийим-бошига нисбатан талаблар қўйиладими?

72. Таълим жараёнида “Мулоқот” тренинги қандай ўтказилади, мазмуни нимадан иборат?

73. Гендер тенглик деганда нима тушунасиз? Ушбу соҳани тартибга солувчи қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишсиз?

74. Республикамизда мажбурий меҳнатнинг қандай ҳуқуқий асослари мавжуд?

75. Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш ҳақида маълумот беринг.

76. Қонунчиликда ходимнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари қай тартибда белгиланади?

77. Ходимлар вакиллик органлари қандай ҳуқуқларга эга ҳисобланади?

78. Меҳнат қонунчилигида музокаралар олиб бориш ҳуқуқи деганда нима назарда тутилган эди?

79. Меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари ҳақида гапиринг.

80. Меҳнат дафтарчаси нима?

81. Меҳнат кодексига кўра, иш берувчининг ходим розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи борми? Агарда бўлса бу жараён қай тартибда бўлади?

82. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари ҳақида гапиринг.

83. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг таълим соҳасидаги ваколатларига нималар киради?

84. Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларига нималар киради?

85. Таълим ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми деганда нимани тушунасиз?

86. Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари деганда нимани тушунасиз?

87. Таълим жараёнига ўқув режалари ва ўқув дастурлари қандай жорий этилади?

88. Таълим ташкилотларида педагогик ходимларнинг ҳуқуқий мақоми нималардан иборат бўлади?

89. Маҳаллий вакиллик ва маҳаллий ижроия ҳокимиятининг нисбатини таҳлил этинг.

90. Халқ депутатлари Кенгаши депутати фаолиятининг кафолатларини ёритиб беринг.

91. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қиладиган ҳужжатларни таҳлил этинг.

92. Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари билан муносабатини таҳлил этинг.

93. Ўзбекистонда суд ҳокимияти органлари тизимини унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муҳокама қилинг.

94. Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда Судьялар олий кенгашининг ўрнини таҳлил этинг.

95. Судьялар корпусини шакллантириш, судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартибини муҳокама қилинг.

96. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мақомини ёритиб беринг.

97. Ҳокимиятлар бўлиниш принципи ва прокуратура органларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўртасидаги нисбатни таҳлил этинг.

98. Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари мазмун-моҳиятини ёритиб беринг.

99. Прокурорларни тайинлаш тартибини ёритиб беринг.

100. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисобдорлиги тартибини изоҳлаб беринг.